

# ИНСОҢ ВА ҚОНУҢ

## АДОЛАТ ВА МАЪРИФАТ ҚЎШҚАНОТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz  
www.insonvaqonun.uz  
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 8 май  
сешанба № 18 (1118)



Адлия тадбирлари  
мамлакатимиз бўйлаб  
кенг қулоч ёймоқда

### ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ:

#### ЎЗБЕКИСТОН МАТОНАТ, МАРДЛИК ВА БУЮК ОҚИБАТ НАМУНАСИ!

#### ЎЗБЕК ЙИГИТИНИНГ ЖАНГОВАР ҚЎШИГИ

ЕНГИЛПРОҚ яраланган Қўқор ҳарбий тиббиёт пункти жойлашган ўрмон томон кетаётганида осмонда фашистларнинг шўнғувчи бомбардимончи самолёти пайдо бўлди. Биринчи учраган чуқурликка сакраб тушган йигит самолётдан тўртта бомба узилиб, худди устига тушаётганини кўрди ва бармоқлари билан қулоқларини қаттиқ беркитди. Чунки бомба портлаганда қулоқ пардалари ёрилиб кетиши мумкин эди.

Қўқорнинг чирт юмиб, кутди. Бахтига бомбалар чуқурликнинг атрофидаги текис ерга тушди. Қўқорга зарар етмади. Эҳ-ҳе, бундай воқеалар тўрт йил давомида унинг ҳаётида кўп бора юз берди. У фронтда тўрт марта жуда хавфли ярланди. Ҳар сафар яна оёққа туриб, душманга қарши курашда давом этди.

— Украинадаги чекка посёлкада бироз тайёрлангач, жангга киришимиз керак эди, — дейди Қўқор ота Хоназаров ўйга чўмиб. — Қарасам, қисмдагилар ҳаммаси Ўзбекистондан борганлар. Келинлар, ўзимиз учун бирорта жанговар қўшиқ танлаймиз, десам, бир йигитимиз баланд овозда:

*“Кўй келади кўзи билан ҳай, ёр-ёр,  
Бир-бирини изи билан ҳай, ёр-ёр.  
Ҳамсоянине қизини кўр, ҳай, ёр-ёр,  
Қош билан кўзини кўр, ҳай, ёр-ёр...  
деб куйлай бошлади. Жангга кириш олдида бир қишлоқдан ўтиб кетаётганимизда шу қўшиқни баралла куйлаб ўтсак, кекса чол, кампирлар, болалар хайрон бўлиб, кўчага чиқиб келишган, кексалардан бири “Охо, мусулмонлар ҳам биз тарафда жанг қилар экан, ғолиб бўламиз”, дегани ҳамон кўз олдимда.*

Мана яна бир мисол: 1944 йилнинг киши... У вақтда офицерларга пустин берилган бўлиб, улар оддий аскарлардан ажралиб турарди. Буни пайқаган немис мерганлари биринчи галда ана шу “пүстинлиларни” сафдан чиқаришга киришди. Қўқор ҳам мерган “қўлига тушди”. Душман портловчи ўқ билан уни кўкрагидан ярадор қилди. Уша немис мергани рўйхатида Қўқор “ўлдирилган офицер” деган ҳисобда экани шубҳасиз. Ҳарбий тиббиёт статисти-



касига кўра, бундай ярадорларнинг юзтадан биттаси тирик қолади. Шу битта гап Қўқор бўлди...

У нафақат тирик қолди, балки ўзининг ақлий ва меҳнат салоҳиятини ҳам сақлаб, Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Унинг асарлари дунёнинг турли мамлакатларида 20 дан ортиқ тилда чоп этилди, шогирдларининг қирқдан ортиги фан номзоди ва ўндан зиёда фан доктори бўлиб етишди. 700 дан ортиқ илмий-тадқиқий асарлари илмий муассасаларда дарслик сифатида фойдаланилмоқда. Ҳозирга қадар дунёда учта олимга насиб қилган Россия лингвистик фанлар академиясининг олтин медали билан Қ.Хоназаров ҳам тақдирланган.

Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Қ.Хоназаров ҳамон изланишдан, газета-журналларни мурола қилишдан тўхтагани йўқ.

Тошкент шаҳрининг “Биринчи Ми-

нор” маҳалласида 1922 йилда туғилган Қўқор Хоназаров 1941 йилнинг кузида урушга кетиб, 1945 йилнинг январида Ватанига қайтди. Шу йилнинг сентябрида Москва давлат халқаро муносабатлар институтига ўқишга кирди. 1950 йилда институти битиргач, Москва давлат университетининг фалсафа факультети аспиранти бўлди. Йиллар ўтиб, 1964 йилда Тошкентга қайтганда у фан доктори эди. Албатта, у вақтда Ўзбекистонда бундай унвон соҳиблари бор-йўғи учта бўлгани, натижада, Қўқор Хоназаров учун барча юқори ташкилотларнинг мансаб уриндиқлари очик бўлгани ва у фаолият юритган корхоналар номи сиз учун қизик бўлмаса керак.

Кизиги, урушда қон кечган, ҳозир ҳам танасида урушдан қолган ўттиздан ортиқ осколкани олиб юрган ана шу инсоннинг барча орден, медаллари алдов йўли билан олиб кетилгани. Энди уруш фахрийсида ана шу орденларнинг рўйхати ва суратлари қолган, холос.

— Ўн йилча олдин, Хотира ва Қадрлаш куни олдида келиб, байрам муносабати билан кўргазмали стенд қиламиз, урушдаги ҳужжатлар ва муқофотларни вақтинча бериб туринлар, деб олиб кетишган эди, — дейди Қўқор отанин турмуш ўртоғи Элинора Абдуллаева. — Биз уларга уруш ва урушдан кейин олинган орден, медалларни олтидан ясалганларини ҳам бериб юбордик. Вақт ўтиб, ҳужжатлар қайтди, лекин орден, медаллар йўқолди. Ҳануз топилгани йўқ.

Ажабо, буни кимлар ва нима мақсадда қилди экан? Беомон жангларда минг ўлиб, минг тирилиб, мўъжиза туфайли омон қолган Қўқор отанин ёдига бу воқеа қайта тушиб, бироз оғрингандай бўлди. Бирок буларнинг бари ўткинчи, асосийси, тинчлик замонида меҳри одамлар орасида бахтли ҳаёт кечириш, дея бу воқеага қўл силтади, ота.

Ўза

ШУ СОНГА ХАБАР!

### АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ТАРИХИ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

МУЗЕЙЛАР халқимизнинг бой ўтмишини бугунги замон билан боғловчи кўприқдир. Музейларга таширф буюрганлар ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар, халқимиз томонидан яратилган бетакор маданий-маънавий мерос ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади, миллатимиз тарихига алоқадор шонли, унутилмас воқеалардан фохрланади, бугунги фаровон турмушимизга шукрона келтиради, уларнинг кайфиятида миллий қаҳрамонларимиз хотирасига чуқур ҳурмат ва хайрихоҳлик ифодаси акс этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳам унинг тарихида илк мартаба Адлия органлари тарихи музейи ташкил этилди. Мазкур музейда Адлия вазирлигининг шаклланиш, ривожланиш эволюцияси ўз аксини топган. Музей 6 бўлимдан иборат. Мазкур экспонатларда Адлия вазирлигининг ривожланиш тарихи ва бугунги архив фотосуратлари асосида акс этган. Вазирликда фидойилик билан меҳнат қилган раҳбар фахрийлар стени эса уларга бўлган эҳтиром ва эъзознинг ёрқин ифодасини билдиради.

Музейда 1917 йилдан бугунги кунга қадар қабул қилинган қонун ҳужжатлари архиви, никоҳ, туғилиш ёки ўлимни қайд этиш билан боғлиқ ҳолатлар XX асрдан то бугунги кунга қадар қандай расмийлаштирилганлиги ҳақидаги архив фотосуратлари, яъни асл материалларда акс эттирилган. Музейдан ўрин олган экспонатларнинг барчаси махсус экспертлар гуруҳи томонидан ўрганилиб, тадқиқ этилди.

Шунингдек, музейда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг илк қабул қилинган Мустақиллик декларацияси ҳамда Адлия вазирлиги ташкил топиши билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, бу ерда адлия органлари ва муассасалари фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар ва материалларни ҳам кўриш мумкин.

Яна бир маълумот. Музейда, нафақат, вазирликнинг тарихи, балки бугунги кунда мазкур жабҳада олиб борилаётган жўшқин иш фаолияти билан ҳам танишиш мумкин. Хусусан, экспонатлардан ўрин олган хорижий

ҳамкорлик бўлимида вазирликнинг халқаро миқёсдаги келишувлари, анжуманлар, конференциялардаги муҳим жараёнлар кўзга ташланади.

Адлия органлари тарихи музейининг очилиш маро-



Музейда жуда кўп тарихий маълумотлар жамланган.

### АДЛИЯ САЙЛИДАН ЛАВҲАЛАР: НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эҳтиром кўрсатилди.



Қуқуқий мавзудаги буклет, флаер, чўнтак китобчалари тарқатилди.



Келин-куёвга Навоий асарлари тўплами совға қилинди.



Ёшларга фуқаролик паспортлари топширилди.

ЮРТИМИЗДА янги ташаббуслар, янги ғоялар нафақат шаҳару марказлар, балки оқил ва чекка ҳудудларни ҳам қамраб олаётганлигига гувоҳимиз. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан жойларда “Одилон қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир”, деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат тадбирлари ўтказилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ана шундай “Ҳуқуқий ахборот кунлари” тадбирлари “Фуқаро давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак!” шиори остида Навоий вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят адлия бошқармаси ва вилоятдаги барча давлат органлари ҳамда ташкилотлари ҳамкорлигида 2-4 май кунлари Хатирчи туманида ўтказилди.

Уч кун давом этган тадбир давомида тумандаги 68 та маҳаллада масъул идора вакилларидан ташкил топган 9 та тарғибот гуруҳи томонидан 4000 дан ортиқ фуқаро билан учрашув ўтказилди.

Давоми 2-бетда. ▶

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

# УРУШДА ГОЛИБЛАР БЎЛИШИ МУМКИН

лекин унда бахтлилар бўлмади

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.**



Уруш. Дунёда бу сўзнинг мазмун-моҳиятини тушунмайдиган одамни топиш қийин. Уруш қирғин-барот жанглар, қишлоқ ва шаҳарларнинг кули кўкка совурилиши, тирик етимлар, бевақт ҳазон бўлган умрлар, айтаверсангиз гап кўп.

Иккинчи жаҳон уруши минглаб одамларнинг бошига кўлаб мусибату талофатларини ёғдирди. Қанчалаб шаҳару қишлоқлар вайрон бўлмади, дейсиз. Неча минглаб одамлар ўзининг қадрдон гўшаларидан айрилди. Қанчадан-қанча аёллар бева, неча минглаб гўдаклар тирик етим қолмади, дейсиз. Бу уруш ҳақида қанча ёзсангиз кам. Фожиялар тугамайди. Минглаб кинолар, томтом асарлар ёзилди. Лекин уруш етказган жараҳатлар ҳамон битгани йўқ.

Уруш бошланган пайтда Ўзбекистонимиз аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган бўлса, шундан 1,5 миллион киши, яъни қурол кўтаришга қурби етадиган одамлар урушда қатнашган. Уларнинг орасидан 500 мингдан кўпроги жанг майдонларида ҳалок бўлганини, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу галаба бизга нақадар қимматга тушгани ўз-ўзидан аён бўлади, деб таъкидлаганди Биринчи Президентимиз.

Бола эдик ўша пайтлар. Урушнинг моҳиятини унча тушунмаганмиз. Қишлоғимизда раҳматли Мукер момо, деган кампир бўларди. Момо ҳар кун катта тут дарахтининг тагида туман марказига қараганча, катта кўчага кўз тикиб ўтирарди. Ёнида сочқика бостирилган кўк чой бўларди. Ҳар-ҳар замонда ўша чой билан томоқ хўллаб, хаста овозда йўталар, ўтган-кетганларга нур-

сиз кўзлари билан боқиб кўярди. Кейин билсак момонинг 3 нафар ўғли урушга кетиб, қайтиб келмаган экан. У ҳар кун йўл қараб умр ўтказар эди. Кампир шўрлик “Ўғилларим урушга шу йўлдан кетган, албатта, шу йўлдан қайтиб келади”, деб ўша томонга қараб кунни кеч қиларди. Умиди сўнмаган. Момонинг эри Омонлик бобо эса ўғилларининг келмаслигини ҳам биларди. Чунки улардан қоракат келган. У бечора аламининг ердан, кетмондан оларди. Эрта тонгдан далада ишлайди.

Бу бир оилага урушининг келтирган касофати. Улар тортган жабр-жафонинг чеки йўқ. Чол-кампир бир эмас, нурғулдай 3 йилгитдан айрилган. Дахшат.

Урушда фашизм енгилди. Буни дунё расман тан олди. Урушнинг тугаганига 70 йилдан ошган бўлса-да, унинг асоратлари ҳанузгача йўқолгани йўқ. Ҳозирги авлоддан ҳам кимнингдир бобоси, кимнингдир отаси уруш қурбонига айланган. Ҳар йили 9 майда уруш қурбонлари эспланади. Уларнинг қабрлари зиёрат қилинади.

Ёзувчи Эрнест Хименгуэйнинг машҳур бир ибораси бор: “Ҳақ одамларни ўлдирдишлар мумкин, лекин уларни енгиб бўлмайдилар”.

Фашизм кўлаб бегуноҳ инсонларнинг ёстигини қуритди, лекин улар-

ни маънан енга олмади. Бунга дунё шохид. Бу ҳақда хоҳлаганча фикр юритиш мумкин.

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган, оғир кунларни сабр-бардош билан енган фахрийларимизга юксак ҳурмат-эҳтиром, меҳроқибат кўрсатиш миллий қадриятга айланган. Пойтахтимизда Хотира майдонининг барпо этилиши мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати бебаҳо қадрият сифатида эъзозланишини яна бир бор тасдиқлади.

Майдонда “Мангу аланга” ёдгорлиги, Мотамсаро она ҳайкали қад ростлаган, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг исм-фамилияси битилган Хотира китоби ўрнатилган.

Мухтасар айтганда, хотира ва қадрлаш тушунчаси мазмун-моҳиятида халқимизга хос эзгу фазилатлар мужассам. Шундай экан, фашизмга қарши курашда жонини фидо қилган юртдошларимиз руҳини ёд этиш, бахтимизга сафимизда омон юрган нуруний отахон ва онахонларимизни қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**  
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# Ўзбек халқи нимага қодир эканлигини ОФИР СИНОВЛАРДА НАМОЁН ЭТДИ

нинг барча аҳолиси каби кўчириб келтирилганларга қорақалпоғистонликлар ҳам ўзларининг муносиб ёрдамларини кўрсатди. Улар эвакуация қилинган болалар учун 11,3 тонна дон, 139 центнер гўшт, 5053 дона ҳар хил кийим-кечаклар, 7,12 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 51 дона посилка ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар. Республикаимиз аҳли ҳатто фронтдаги болаларга ҳам ёрдам кўрсатди. Жумладан, Хоразм вилояти меҳнаткашлари Ленинград қамалидаги болалар учун 3 тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, 10 минг сум пул ва бошқа маҳсулотлар жўнатган.

Самарқанд вилояти кўчириб келтирилган болалар уйига 1943 йилда 700 кг. дон, 500 кг. сабзавот, 250 кг. хўл мева, 450 кг. картошка ва 2083 сум миқдоридан пул, Бухоро вилояти 15 бош қорамол, 204 бош қўй, 2 тоннага яқин бугдой ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Ғузор қорақўлчилик совхози ишчилари боқувчисидан ажралган 23 нафар болани ўз тарбиясига олдилар ва уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиб, озиқ-овқат билан таъминладилар.

Халқимиз томонидан етим болаларни тарбияга олиш, уларни боқиб кенг миқёсда амалга оширилди. Уруш йилларида оддий ўзбек темирчиси Шоаҳмад Шомоҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова бошланасиз қолган турли миллат вакиллари бўлган 14 нафар болани ўз тарбияларига олишган.

Яна шундай соҳаватли инсонлардан бири каттақурғонлик Ҳамид Самадовдир. Оила бошлиғи Ҳамид Самадов 1944 йил февралда жанглардан бирида яраланиб, 2-гуруҳ ногирони сифатида уйига қайтди. У аҳоли оғир бўлишига қарамаздан, 12 нафар болани ўз тарбиясига олди, уларга меҳр-мурувват қилган турли миллатта мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошлана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди”.

Эвакуация қилинган аҳолига қўрсатилган ғамхўрликлар ҳақида ўша давр воқеаларини ўз кўзи билан кўрган, Тошкентдаги 22-сон болалар уйида узоқ йиллар раҳбарлик қилган А.П.Хлебушкина шундай деган эди: “Ўзбек халқи уларга ўз фарзандлари каби ғамхўрлик кўрсатди. Уларга нимага бўлса, ўша тийёрлаб етказиб берди. Ҳатто, охириги бўлак нонларини ҳам баҳам кўрдилар”. Республика-

Уларни кузатиш чоғида Польша бирлик ҳукумати вакили Ружа халқимизга ўз миннатдорчилигини билдириб шундай деган эди: “Йиллар ўтар... Бугун биз ўз юртимизга қайтиб кетяпмиз, биз ўзимиз билан сизлар асраб қолган келажакимиз фарзандларимизни олиб кетяпмиз”. Юртдошларимиз тўғрисида билдирилган бундай эзгу фикрлар халқимизнинг юксак инсонпарварлик фазилатларидан далолатдир.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши йилларида, энг оғир дақиқаларда юртдошларимиз озиқ-овқатларга эҳтиёж сезса-да, ўзлари емай кўчириб келтирилган ота-онасиз болаларга бердилар. Дунё халқлари олдига ўзбек халқи ўзининг нималарга қодир, қандай халқ эканлигини матонат билан синовларга бардош бериб, намойиш этди. Халқимиз ўзининг қулфатлари-ю, мусибатларини билдирмасдан ўзининг оиласидан қайғу-аламларини бир четга суриб қўйиб, ўзбекларга хос бўлган хусусиятларини намоян этди.

Мамлакатимизда 1999 йил 2 мартдан бошлаб 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши жамаиятнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу кунда фашизм устидан қозонилган галабага ҳисса қўшган ҳамда Ватанимиз мустақиллиги учун ҳаётини тиккан ҳар бир инсон умумхалқ томонидан ёдга олинади. Шунингдек, ҳозирда сафларимизда бўлиб, ўзларининг ҳаёт тажрибалари билан ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган нуруний отахон онахонларимиз эъзозланади. Дарҳақиқат, бундай фазилатлар халқимизга хос бўлган эзгулик тимсоли ҳисобланади.

Юртимиз ҳудудларида бунёд этилган хотира майдонлари, шак-шубҳасиз, ўзига хос табаррук зиёратгоҳлар ва маънавий-ахлоқий тарбия маканларидир. Зеро, хотира руҳга қувват берувчи маънавий булогидир. Инсон борки, у доимо хотира билан яшайди. Демак, хотира инсонни руҳий уйғоқликка чорлайди. Дарҳақиқат, аждодларимиз тарихи хотира пойдевори ҳисобланиб, ёшларни юксак ватанпарварлик, мустақиллик гоғларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Ҳаким АЗИМОВ,**  
**Тарих фанлари номзоди, доцент**

# АДОЛАТ ВА МАЪРИФАТ ҚЎШҚАНОТ

Адлия тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб кенг қўлоқ ёймоқда

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.


“Хуқуқий ахборот кунлари” тадбирлари доирасида хуқуқий мавзудаги 10500 та буклет, флаер, чўнтак китобчалари ва бошқа турли шакллардаги тарқатма материаллар тарқатилди. “Ҳар бир оилага — бир китоб” лойиҳаси доирасида аҳолига 600 та хуқуқий ва бадий адабиётлар берилди. Шунингдек, адлия бошқармаси ва давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан хонадонма-хонадон юрилиб, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушунирилди, 250 дан ортиқ муурожаат қабул қилиниб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Тадбирлар давомида давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан жами 27 та сайёр нотариал ҳаракат амалга оширилди. Давлат хизматлари марказлари томонидан 125 та сайёр давлат хизмати кўрсатилди. ФХДБ бўлими ходимлари томонидан жами 19 та ҳаракат амалга оширилди. Адлия бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар томонидан 800 дан ортиқ хуқуқий масала бўйича аҳолига тушунириш берилди. Адвокатлар томонидан 200 дан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлик субъектига бепул хуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, тадбирда иштирок этган ташкилотлар томонидан аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотлар давомида хуқуқий, оилавий, уй-жой, кадастр, кредит олиш ва бошқа 600 дан ортиқ масала жойида ҳал қилиниб, уларга ташкилотлар томонидан тегишли амалий ва хуқуқий ёрдамлар кўрсатилди.

Тумандаги “Мустақиллик”, “Боғшамол”, “Саховат”, “Хонақо”, “Самарқанд” маҳаллаларида ҳар бир хуқуқбузарликнинг салбий оқибати борлигини халққа кўрсатиш ва аҳолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳозирда кўп учраётган оилавий ажримлар, мулкий низо, ер масаласи, фирибгарлик ва ўғирлик, транспортда йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан маст ҳолда бошқариш каби ҳолатлардаги жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича 8 та очик сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Хусусан, тумандаги 5-мактабгача таълим



“Биз учун Юртбошимиз яратётган имкониятлар, имтиёزلардан жуда мамнунмиз. Ўтган йили муборак ҳаж сафарига бўлганмиз. Бу йил уруш фахрийлари учун хоҳласак Кисловодский, хоҳласак Тошкентдаги санаторийларда бепул дам олишимиз тўғрисидаги янгиликларни эшитиб, бошимиз кўкка етди. Минг шукрим, шундай дорилмомон кунларга етиб келдик. Урушнинг номи ўчин. Бугунги тинчликни нондек, жондек авайланг, она Ватанимизга, Юртбошимизга садоқатли ва муносиб бўлинг азизларим, дейман”.

муассасасидан сабабсиз ишдан бўшатилган А.Шириновнинг манфаатини кўзлаб, Хатирчи туман аҳоли башқарма кўмаклашувчи маркази томонидан киритилган даъво ариза-жағи фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг Самарқанд маҳалласида ўтказилган сайёр йиғилишида кўриб чиқилди ва сайёр суд қарори билан уч ойдан буён сарсон-саргондан бўлиб юрган А.Ширинов ишга қайта тикланди.

“Хуқуқий ахборот кунлари”нинг учинчи кунини байрамона руҳда давом этди. Тумандаги истироҳат боғи ва марказий стадионда эрта тонгдан карнай-сурнайлар садолари барчани Адлия сайлига чорлади.

Истироҳат боғи чинакам хуқуқий билимлар ва тарғибот маконига айланди. Вилоят прокуратураси, ички ишлар, мудоофа, фавқулодда вазиятлар, солиқ, боғжона, соғлиқни сақлаш бошқармалари, касаба уюшмалари федерациялари, банклардан иборат жами 53 та ташкилот “Хуқуқий ахборот бурчаклари” билан иштирок этди.

Мазкур тадбир 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини арафасида ўтказишга қўшма ҳисса қўшган уруш қатнашчиларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Инсон қадру қиммати юксакка кўтарилаётган бугунги даврнинг энг муҳим ва хайрли амалларидан бири кексаларни, бахтимиз учун курашган, Иккинчи жаҳон урушида жон олиб, жон берган матонатли, жасоратли табаррук инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни қадрлашдек юксак заифгани зиммамизга юклайди. Тумандаги 9 нафар уруш иштирокчиси хонадонларига борилиб, улар ҳолидан хабар олинди, эсдалик совғалари топширилди. Маданият ва истироҳат боғидаги Адлия сайлига ҳам

ана шундай табаррук отахонлардан 98 ёшли Бекназар ота Қораев, 96 ёшли Иброҳим Гадов, 93 ёшли Турсун Муротов ва Аъзам Муҳаммадиевлар тақлиф қилиниб, уларга Президентимизнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. “Оқ-олтин” маҳалласида истикомат қилаётган Бекназар ота қўлига тақилган Президентимизнинг шахсий совғаси — олтин соатга фахр билан боқаркан, Юртбошимизга эҳтиром ва эъзозлар учун чексиз ташаккур билдирди: “Биз учун Юртбошимиз яратётган имкониятлар, имтиёزلардан жуда мамнунмиз. Ўтган йили муборак ҳаж сафарига бўлганмиз. Бу йил уруш фахрийлари учун хоҳласак Кисловодский, хоҳласак Тошкентдаги санаторийларда бепул дам олишимиз тўғрисидаги янгиликларни эшитиб, бошимиз кўкка етди. Минг шукрим, шундай дорилмомон кунларга етиб келдик. Урушнинг номи ўчин. Бугунги тинчликни нондек, жондек авайланг, она Ватанимизга, Юртбошимизга садоқатли ва муносиб бўлинг азизларим, дейман”.

— Юртимиздаги ҳар бир тадбир замирида, албатта, меҳр-мурувват, хайр-саховат амали бор, — дейди Навоий шахридаги “Меҳрибонлик уйи” директори Дилбар Орзиева. — 80 нафар болажонимизнинг Адлия сайлига тақлиф қилиниши, уларга китоблар ва ўқув қуроллари совға қилиниши ҳам ана шу бағрикенглик ва меҳрибонликдан далолатдир. — Тарбияланувчиларимиз юртимизнинг адолатли хуқуқий давлат курувчилари эканликларини ҳис этишларига ёрдам берадиган бундай тадбирлар ҳаётга тейроқ қарашга имкон яратиши табиий.

Сайилнинг яна бир муҳим тадбирларидан бири ёшларга фуқаролик паспортнинг топширилиши бўлди. Туман паспорт бўлими

томонидан 10 нафар ёшларга тантанали равишда фуқаролик паспортлари топширилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг қўламли ишларга ҳамоҳанг тарзда тегишли банклар томонидан 19 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилиб, уларнинг сертификатлари тадбирда тантанали равишда топширилганлиги ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси, деб айтишимиз мумкин.

Сертификатни қўлга киритган тадбиркорлардан бири узумчилик соҳаси билан шуғулланаётган “Чавандоз” хусусий корхонаси раҳбари Юсуфбой Қуролов оладиган кредитига Германиядан маийзини қадоқлайдиган ускуна олиб келиш истагини билдирди. На-тижада, 20 та янги ишчи ўрни яратилади. Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Адлия сайлида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 74 нафар киши иш билан таъминланганлиги иш ўрнига эга бўлган фуқароларнинг оилаларига ажойиб совға бўлди.

— Тўрт йилдан буён иш излаб юрган-дими, — дейди Зокир Бойназаров. — Адлия сайлида ташкил этилган ярмарка сабаб тумандаги 65-умумий ўрта таълим мактабига электрик бўлиб, иш бошлайдиган бўлдим.

Яна бир муҳим тадбир — маҳаллаларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва камчиқим ўтказиш юзасидан юртимизда олиб борилаётган янги-ча тартибни, кайфиятини хатирчилик ёшлар ҳаётида ҳам кўриб қувонди.

Самарқанд маҳалласида истикомат қилувчи Орифжон Ҳасанов ҳамда Эъзоохон Жонузоқовларнинг никоҳи айнан сайл ўтказиладиган боғда тантанали қайд қилинди. Уларга никоҳ гувоҳномасини Хатирчи туман ҳокими Ғофур Алиев топширди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Фахриддин Солиев ёшларга Алишер Навоийнинг тўрт томлик Девонини эсдалик сифатида совға қилди.

Адлия сайлида “Навоийхонлик” ғазал мусобақаси ҳам ўрин олиб, Навоий асарларининг билимдонлигига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Истироҳат боғида 4000 мингдан ортиқ турли хуқуқий ва бадий китобни ўзида жамлаган “Китоблар олами” савдо растаси ташкил қилиниб, иштирокчилар ўзлари қизиққан ва севган китобларни харид қилиш имконига эга бўлди.

Хатирчи туманида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини янада юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хуқуқий тарғибот ва маърифат тадбири — ҳақиқий маънода хуқуқ байрамига айланган ва барчага манзур бўлди. Хуқуқий ахборот тарқатишнинг бундай янги-ча шакли демократик давлат куриш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# ЖАНГЛАРДА КЕЧГАН ЁШЛИК



Суратда Тиллахўжа бобо набираси Равшан билан.

КОЛЛЕЖДА ўқитувчи бўлиб ишлаймиз. Таълим муассасасида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб, тадбир уюштирдик.

Тадбиримизга 94 ёшни қаршилаган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тиллахўжа бобо Алихўжаевни тақлиф қилиш мақсадида у кишининг хонадонига бордик.

Тиллахўжа бобого келганимиз боисини айтар эканмиз, бобо ўз хотиралари билан бизни шундай таништира бошлади:

— 1924 йил 22 мартда туғилганман. Урушга кетаётганимда 18 ёшда (1942 йил 6 сентябрь) эдим. Биз Паркент туманидан 70 киши урушга жўнадик. Шундан 13 нафаримизга ўз она Ватанимизга қайтиш насиб қилди.

Дастлаб, Белоруссиянинг Ульянский вилоятига бордик. Ульянскийнинг Белокоос шаҳрида 6 ой тайёргарлик кўрдик. 1943 йилда Украинанинг Орловский шаҳрида урушга кирдик...

Тиллахўжа бобо урушдаги воқеаларни гоҳ кўзига ёш олиб, гоҳ тўлқинлиб гапирарди. Биз эса бобонинг ярасини янгилагандек, хижолат тортиб, суқут сақлаб ўтирдик. Бизнинг бу аҳволимизни пайқанган бобо: “Майли мен секин-секин гапирман, қоғоз олиб ёзиб олинглар, ўқувчиларингиз учун керакли маълумотлар-да, бу!”, деб бизни ноқулай ҳолатдан ҳам “қутқариб” қяяди.

— 1943 йил августда 5 та жойимдан ярадор бўлдим. Ҳарбий шифохонада даволандим. Сўнг яна жанг майдонига қайтдим. 1944 йил мартда қўлимдан, июнь ойида эса оёғимдан жароҳатландим. Шу йилнинг декабрь ойида оғир ярадор бўлиб, жанг майдонидан шифохонага жўнатилдим. Санасам 11 та жойимдан ярадор бўлиман, — дейди кулиб.

— Уруш тугаб, туғилиб ўсган кишигоғимга қайтиб келдим. Урушдан кейинги очарчилик йилларини ҳам бошдан ўтказдик. Худода шукр тинчлик, тўкин-соқинлик ҳукм сураётган бугунги кунгача етиб келдик. Ҳар сафар ўша машъум хотираларни хаёлимда жамласам, юрагимда оғир дард туради.

— Ҳуқуматимизга раҳмат, биз фахрийларга эътибор кундан-кунга ошиб бормоқда.

Юртимизда Тиллахўжа бобо сингари бугунги тинчлик ва осойишталикка ўз хиссасини қўшган ватандошларимиз кўлаб топилди. Бу инсонларга ёшлари бундан-да улуғ бўлишини, фарзандлари, набиралари камолтини кўриш яна кўп йиллар насиб этишини тилаймиз.

**Аққидо РАСУЛОВА, Зулфизар ТИЛЛАХЎЖАЕВА,**  
**Паркент Транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқитувчилари**

# Ўқсинма, онаизор (Қатралар)

МЕН бу аёлни ҳар тонг учратаман. Мен уни тўй-маърака, кўча-кўйда, одамлар орасида эмас, ҳар куни шу ерда — номаълум солдат хотирасига ўрнатилган ҳайкал олдида учратаман. Ишга шошилаётган бўлсам ҳам онани курғач, қадмларимни беихтиёр секинлатаман, унинг ҳаракатларини кузата бошлайман. У кўлидаги икки-уч донга гулни ҳайкал пойига кўяди. Ўтиб-қайтиб кетаётган йўловчиларга бефарқ қарайди, бошини охишта эгади.

Бир неча дақиқа сукут сақлаб тургач, охишта орқасига бурилади. Унинг кўзларидан думалаб тушаётган ёшларни кўриб, дилим вайрон бўлади. Минг-миллионлаб оналар, сингиллар, аёлларни шундай кўйга солган урушни лаънатлайман. Шоиранинг сатрлари ёдимга тушади:

*Уруш, номинг учсин жаҳонда,  
Ҳамон битмас сен солган алам.*

Яна кўз ўнгимда онанинг эгик қадди намён бўлади. Унинг кўз ёшларини артиб қўйишни, далда беришни истайман.

— Қарагин, онаизор, ҳей чопқилаб юрган болакайлари кўрясанми, ана, улар кулишяпти, шоду хуррам юришибди, ҳеч ташвиши йўқ. Буларга шундай осуда ҳаётни сенинг жангда ҳалок бўлган фарзандларинг яратди!

— Атрофга қара — баҳор! Юртимиз келинчақдай безанган. Ҳамма яратиш, бунёдкорлик билан банд, лабларида табассум. Булар сенинг шахид бўлган болаларингнинг жасорати туфайли бунёд бўлган фаровон ҳаётда тўлиб-тошиқиб, тинч умргузаронлик қиляпти!

Ўқсинма, онаизор. Ҳар ишимиз, ҳар ютугимиз орқасида сенинг фарзандинг, Ватанинг жасур ўғлонлари матонати ётибди.

# Кел, Хадича, қоқиғул терамиз...

ХАДИЧА момо набираларидан хабар олгани яйловга чиқди. Ҳассаса суянди-ю, узоқ-узоқларга бир дам тикилиб қолди.

— Баҳор ҳам келди, кўкатлар қулқоқ чиқаряпти. Ҳамма ерни яшилди эгалламоқда.

Момо Ҳассаса суянганча қоқиғулларга маънос тикилади.

“Кел, Хадича, қоқиғул терамиз”. Кимдир унинг қулгоғига шивирлагандай бўлди.

— Ҳайдар... эссиз... у ёш кетди. Лаънат сендай урушга!

Ёр-ёр айтилган кеча... Иккиси шивирлаб тонг оттирган тунлар... Қоқиғуллар терилмай қолган кунлар... Дахшатли уруш...

“Хадича, мен узоқроқ кетиб қолсам, хавотирланмайсанми? Ёлғиз яшаш қийин, аммо сен бардошли аёلسан. Кел, Хадича, қоқиғул терамиз...”

Иккиси маънос уйга толган ўша оқшом Хадичанинг хотирасидан ўчмайди. Тонг ёришиб эшик очилганда қандайдир кўрқинчли шарпанинг ёпи-

рилиб киргани, уруш бошлангани, икки дил умрбод жудо бўлгани...

Ҳайдар фронтга кетди, қоқиғуллар терилмай қолди. Унинг овуноғи Ёдгор тугилди.

Хадичанинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ана шу яккаю ягона ўғли. Уни улгайтириб эл қаторига қўшди. Тўрт набираси энди уйни тўлдириб юрибди.

Ўғли чўпон бўлди-ю, қуну тунни яйловда ўтади.

— Келинг, момо, қоқиғул терамиз, — унинг хаёлини кичик набираси бўлиб юборди.

— Ҳозир болам, сен қаердан келиб қолдинг?

Момо Ҳассаса суяниб ўрнидан турди.

— Терамиз, кўп терамиз. Бобонгнинг ўрнига ҳам терамиз.

У қаддини бир тиклади-ю, сўнг энгашиб қоқиғул тера бошлади...

Саломат НИЁЗОВА, ҳуқуқшунос

## БАРЧА соҳаларда бўлгани каби нотариал идораларидаги шарт-шароитлар ҳам яхшиланди. Замонавий мебель жиҳозлари ва бошқа воситалар билан жиҳозланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Идоралараро электрон ҳамкорлик ривожланиётганини ҳисобга олиб, нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш, аҳоли ва тадбиркорларга интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад — фуқаролик-ҳуқуқий ва ҳўжалик низоларининг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариал идоралар фаолиятини янада ривожлантириш, жисмоний ва юридик субъектларга тезкор ва сифатли ҳуқуқий хизмат ҳамда ёрдам кўрсатиш, нотариал идораларни малакали кадрлар билан тўлдириш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборат.

Утган йилнинг 27 февралда давлат нотариал идоралари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомил-

## ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ: нотариусларнинг бош мақсади

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутувчи “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди. Шунингдек, “Кўчмас мулкни олди-сотди, айирбошлаш ва ҳаёда қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги низоом ҳамда Идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан алмашинадиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Жумладан, “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур янгиликларга биноан идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда кўчмас мулкни олди-сотди, айирбошлаш ва ҳаёда қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш Тошкент шаҳрида 2017 йилнинг 1 июлидан бошланди. Бундай амалиёт республикамизнинг бошқа ҳудудларида шу йилнинг июлидан бошлаб жорий этилади. Яъни, кўчмас мулкларни олди-сотди, айирбошлаш ва ҳаёда қилиш битимларини тасдиқлаш учун ариза

берувчи давлат нотариал идорасига Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали электрон аризани бевосита тўлдириш йўли билан ёки электрон аризани тўлдириш учун кўчмас мулкнинг кадастр йиғма-жилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат билан нотариал идорасига ўзи келиб мурожаат қилиши мумкин. Ариза берувчи давлат нотариал идорасига ўзи келиб мурожаат қилганда, электрон ариза унинг номидан нотариал идоранинг ходими томонидан тўлдирилади.

Шундан сўнг солиқлар, коммунал хизматлар (газ, совуқ сув, иссиқлик таъминоти) (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) ва оқова сувларни чиқариш бўйича хизматлар) ва электр энергияси бўйича қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан таъқиқ ва хатлаш мавжудлиги Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки тизимда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда текширилади.

Агар солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан таъқиқ ва хатлаш мавжудлиги аниқланса, ариза берувчига қарздорлик бартараф этилганидан ёки таъқиқ ва хатлаш олиб ташланганидан кейин би-

тимни нотариал тасдиқлаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги, солиқлар, коммунал хизматлар ёки электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан таъқиқ ва хатлаш мавжуд бўлмаса, электрон аризага рақам берилди.

Электрон аризага рақам Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида ариза берувчи нотариал идорасига келиши мумкин. Агар кўрсатилган муддат ўтганидан кейин нотариал идорасига мурожаат этилса, электрон ариза қайтадан тўлдирилади. Шунингдек таъқиқлаш керакми, нотариусга рақам берилган электрон ариза қозғо ёки электрон шаклда тақдим этилган тақдирда, ундаги маълумотларнинг ақлига тўлиги нотариус томонидан тизим орқали автоматик тарзда текширилади.

Албатта, тезкорлик билан олиб борилаётган ушбу саъй-ҳаракатлар ўз навбатида фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишига, қонунда белгиланган талабларни ҳаётга тўғри таъбиқ этиш эса амалиётимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Феруза НҲОМОНОВА, Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идораси катта нотариус ёрдамчиси

## НАЗАР

# ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

МАЪЛУМКИ, миллий қонунчилигимиздаги хусусий айблов институти жиноят оламига адашиб қириб қолган ва ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганларга жавобгарликдан озод бўлиш имконини беради. Бу эса жамиятимизда судланган шахслар ҳамда рецидив жиноятчилигининг камайишига олиб келади.

Айтиш керакки, хусусий айблов институти бугун ёки кеча пайдо бўлган амалиёт эмас. Хусусан, тарихда бизда шарият нормаларига асосан хусусий айблов кенг қўлланилган.

Урта асрларда жиноят ишларининг аксарияти хусусий айблов тартибидеа кўриб чиқилган ва XIX асрга қадар Англия ҳудудида жиний таъбиқ асосан жабрланувчининг шахсан ўзи ёки унинг яқин қариндошларининг ташаббуси билан кўзғатилган ва суд қилинган. Бунда давлат ай-

бловининг ўрни деярли кўзга ташланмаган. Кейинчалик давлатда ҳокимиятнинг кучайиши натижасида хусусий айбловнинг асосий ташаббускори Қироллик қўлига ўтган. Хусусий айблов институтининг дастлабки элементлари Англия ҳуқуқ тизимидеа шаклланиб бўлса-да, унинг диспозитив (шахсни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши ва таъминлишини талаб этмайдиган ихтиёрийлик ҳуқуқи) қўрилишидаги ривожланиши ва бугунги шаклга келиши АҚШ миллий қонунчилиги таърибасига бориб тақалади.

Собик Иттифоқ давридаги яқин ўтмишимизда 1917 йил Россиядаги “Октябрь тўнтарыши”дан сўнг давлатнинг жиноятчиликти қарши курашиш сиёсатидаги ролининг кучайиши оқибатида қонунчиликдаги ҳақиқий хусусий айблов ўз моҳиятини йўқотди. 1926 ва 1929 йилги Ўзбекистоннинг Жиноят процессуал ко-

дексларида ҳам хусусий айбловда жабрланувчининг шикоятини иш қўзғатилишига асос бўлган бўлса-да, бу ҳолат амалиётда ўз тасдиғини етарлича топмаган. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят процессуал кодексининг 29-боби “жабрланувчининг шикоятини юргизиш” деб номланиб, унинг 37-моддасида чекланган доирада, яъни 5 турдаги жиноятлар бўйичагина иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилади ва айбланувчи билан ярашилган тақдирда иш тугатилиши белгиланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, 1994 йилда қабул қилинган амалдаги Жиноят процессуал кодексига ҳам дастлаб, фақатгина оғирлашмайдиган ҳолларда номулса тегиш ва жинсий эҳтиёжни қайтариб олиш сулуда қондирши жиноятлари учун хусусий айблов асосида иш юритилиши белгиланган эди.

Хусусий айбловнинг кенгайтирилиши 2001 йилдаги либераллаштириш муносабати ҳамда 2012 йил 5 январдаги Жиноят процессуал кодексига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. Ҳозирги қонунчилигимизда Жиноят процессуал кодексининг 46-тартибдаги моддасидаги ишлар хусусий шикоят асосидагина қўриб чиқилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, бу турдаги жиноят ишлари рўйхатини кенгайтириш мақсадаги мувофиқ бўлади. Чунки ҳозирги давлатлар қонунчилигини кузатганимизда хусусий айбловдан кенг қўлланадига фойдаланиш орқали умумий жиноятчилик миқдорининг камайишига эришганликларини қўришиш мумкин.

Қолаверса, хусусий айблов ва ярашув институти кенгайтириш халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларига, жумладан, адолатпарварлик, инсонпарварлик, раҳмдиллик, меҳр-шавақат, оқибат вакил таъминлашга ҳамоҳанг эканлигини билдиради.

Жамшидқон ҒОФУРЖОНОВ, ИИВ академияси курсанти

## РЕКЛАМАЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

# “ҚИШЛОҚҚУРИЛИШ ИНВЕСТ”

## ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



*ота-боболаримизнинг жангоҳларда, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида кўрсатган тарихий жасорати эндиликда тинч меҳнат шароитида, бунёдкорлик майдонларида қизгин давом этаяпти. Халқимиз бу кунларга шукроналар айтди. Авлодлар ишининг муносиб давомчилари сифатида улкан ҳажмли бунёдкорликка қўл ураётган, бу ишни муносиб тарзда ташкил этаётган ва уюштираётганлар сафида “Қишлоққурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг Хоразм вилоят филиали жамоасини ҳам учратасиз. Мазкур жамоанинг самарали фаолияти, ишни оқилона ташкил этиш салоҳияти туфайли 2009-2017 йиллар мобайнида воҳа бўйлаб аҳоли учун жами 6128 та тураржой биносини ўз ичига олган 120 та намунали посёлка, биргина 2017 йил давомида эса 20 та ҳудудда янгиланган замонавий лойиҳалар асосида 1189 та арзон, обод ва қулай уйлар барпо қилинди. Бу соҳадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Узаро фойдали ҳамкорлик асосида юртдошларимиз учун обод ва кўркам уй-жойлар қуришга тайёрмиз ва воҳа аҳлини филиалимиз билан шартнома тузишга чорлаймиз. Ватандошларимизни, уруш ва уруш ортқи меҳнати қатнашчиларини эса тарихий сана — Хотира ва Қадрлаш кўни, фашизмга қарши олиб борилган курашда қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги билан қизгин ва самимий қутлаймиз. Зафар ва ғалабалар халқимизга ҳамisha ёр бўлаверсин!*

Миро Уллубек туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” маркази томонидан 10.05.2018 йилда №010734-04 рақам билан рўйхатдан ўтган “ANNA MEEBEL” МЧК (ИНН: 301990295) тасъисчисининг 30.03.2018 йилдаги №1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой муддат ичидеа қабул қилинади.

Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 18.09.2013 йилдаги 006814-03-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “PERFECT FIT” (ИНН 302 709 847) тасъисчисининг 01.05.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой муддат ичидеа Миробод туман, Ойбек кўчаси, 38-уйда қабул қилинади.

Тел.: **+99890 808-12-03.**

Миробод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 03.02.2017 йилда 008652-03-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “LION GLOBAL GROUP” МЧК (ИНН 304 455 487) тасъисчисининг 04.05.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой муддат ичидеа Миробод туман, Хамал кўчаси, 29-уйда қабул қилинади.

Тел.: **+99893 388-00-38.**

Шунингдек, мазкур қоронга тегишли бўлган штамм йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман, Ягона дарча марказида 18.08.2016 йилда 009442-09-сон реестр рақами билан давлат рўйхатдан ўтган “SHARK L.M GROUP” тасъисчисининг 04.05.2018 йилдаги №3-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман, Нуробод кўчаси, 6-уй манзилда қабул қилинади.

Тел.: **(90) 984-69-38.**

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 27.07.2017 йилда 534165-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “UMIDA-ZUXRA RIVOL” хашиву қолхонаси (СТПР 305 000 430) тасъисчисининг №8-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 3 ой муддат ичидеа Юнусобод туман, 2-маъзе, 7-уй, 273-хонадонда қабул қилинади.

Тел.: **(97) 708-48-07**

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 27.07.2017 йилда 534165-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “REKLAMA MASTER” тасъисчисининг 13.04.2018 йилдаги №3/05-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 31.12.2018 йилгача Юнусобод туман, А.Темур кўчаси, 25-уйда қабул қилинади.

Тел.: **(94) 620-65-70**

Юнусобод туман “Давлат хизматлари маркази” томонидан 27.07.2017 йилда 534165-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “REKLAMA MASTER” тасъисчисининг №10-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 9 ой муддат ичидеа Юнусобод туман, 11-маъзе, 506-уйда қабул қилинади.

Тел.: **(98) 830-20-22.**

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 11.04.2017 йилда 502718-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “RENEWABLE ENERGY” тасъисчисининг №10-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 6 ой муддат ичидеа Юнусобод туман, 17-маъзе, SANOAT XUDUDI, 7А-уйда қабул қилинади.

Тел.: **(94) 625-80-80.**

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 11.04.2017 йилда 502718-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “PERFECT MAK STYLE” хашиву қолхонаси (СТПР 305 069 162) тасъисчисининг №10-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 6 ой муддат ичидеа Юнусобод туман, Шахристон кўчаси, 25-уйда қабул қилинади.

Тел.: **(98) 857-66-75.**

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 18.02.2010 йилда 005484-10-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “MAHMIT KONSALTING” тасъисчисининг 04.05.2018 йилдаги №2-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 3 ой муддат ичидеа Юнусобод туман, 19-маъзе, 8-уй, 94-хонадонда қабул қилинади.

Тел.: **(94) 620-61-85.**

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

**МАМЛАКАТИМИЗ** деҳқон ва фермерларнинг мўл ҳосил етиштиришида “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти тизими ходимларининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигидан мамнунмиз.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тизимдаги янгилик ва ўзгаришларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Қарорга мувофиқ солиқ “Қишлоқхўжалиқимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари негизда “Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятлари ташкил қилинди. Шунингдек, жамиятларнинг туман (шаҳар) ва туманлараро филиалларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳам белгиланган тартибда тасдиқланди.

Шу маънода айтганда, Фарғона вилоят “Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти ҳамда унинг туман ва туманлараро филиаллари томонидан 2018 йилда мўл-кўл ҳосил етиштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда вилоятимиз далаларида 2018 йил галла ҳосили учун 109.200 гектар майдонда бошоқли дон парвариши қилинмоқда. Вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ томонидан фермер хўжалиқларига 25.004 тонна азотли, 3.700 тонна фосфорли ва 599 тонна калийли ўғит етказиб берилди. Шунингдек, “ОВХ” пуракагичлари ёрдамида галла майдонларига “Супензия” кимёвий воситаси сепилди. Ҳадемай, “Супензия”ни иккинчи мартаба сепиш ишлари якунланди.

Шунингдек, 84.680 гектар ерга чигит қадалди. Бунинг учун эса фермер хўжалиқлари 194 тонна азотли, 2.354 тонна фосфорли ҳамда 108 тонна калийли ўғитлар билан таъминланди. Қолаверса, ҳозир чигит экилган майдонларга “ИСО” ва “Супензия” сепиш тадбирларига тай-

## РИЗҚ-РЎЗИМИЗНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН САҚЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ



ёргарлик кўрилмоқда.

Деҳқонларимиз жуда яхши билишадди. Турли зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш кўзланган ҳосилни етиштириш омилларидан биридир. Шу боис мазкур масалага ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Биринчи галда қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалиши бўйича кўп йиллик маълумотлар, кузги-бахорги кузатув-назорат таҳлиллари ҳамда зараркунанда ва касалликларга қарши кураш бўйича тавсиялар жамланмаси тайёрланиб, туман ва туманлараро филиалларга тарқатилди.

Маълумки, зараркунанда ва касалликларга қарши курашишда биологикал йўллар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳозир вилоятимизда 18 та биологикал фаолият юритилмоқда. Қиш мавсумида барча биологикал йўллардаги биомаҳсулотлар авлоди янгиланди. Айни пайтда биомаҳсулотларни узлуксиз равишда кўпайтириш мақсадида 57,3 тонна арпа

дони, 1,04 тонна шакар, 542 килограмм маргарин озуқа маҳсулотлари захираси сифатида жамғарилди. Шу билан бирга, туманлар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг амалий ёрдами туфайли ер хариталари асосида зараркунанда ва касалликларнинг тарқалиш ўчоқлари белгиланиб, фермер хўжалиқларига зарур тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ жамоаси зиммасида экин майдонларида фитосанитария ҳолатини барқарорлаштириш, айниқса, аҳоли ва томорқа эгаларига агрокимёвий хизматлар кўрсатиш вазифаси ҳам бор. Шу боис, боғ ва тоқзорлар, сабзавот, полиз ҳамда картошка экинларидаги зараркунанда ва касалликларга қарши кураш учун 182 та мобил гуруҳ отрядлари ташкил қилиниб, улар “ОВХ-600”, “УР-1” ва моторли кўл техникалари билан таъминланди. Қолаверса, мевали даракларда учрайдиган мевахўр ва зараркунандалар ҳамда “Калмараз”, “Монилиоз”, “Оидиум”, “Антракноз”, “Милдью” касаллик-

ларининг олдини олишга қаратилган агротехник тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Қувасой шаҳри, Бешариқ, Учқўприк, Фарғона, Оптиариқ ва Кува туманларидаги 15.545 гектар мевали боғларга, Бувайда, Риштон, Ўзбекистон, Учқўприк туманлари ва Қувасой шаҳридаги 860 гектар тоқзорларга мис купороси, ИСО, бордо суюқлиги, фунгицидлар ва темир купороси билан кимёвий ишловлар берилди. Шу билан бирга, мутахассисларимиз томонидан деҳқон хўжалиқлари ва томорқа эгаларига зараркунанда ва касалликларга қарши кураш бўйича зарур тавсиялар бериб келинмоқда.

Албатта, агрокимёвий хизматларни транспорт воситаларисиз тасаввур этиб

бўлмайди. Айни пайтда, жамиятимиз ва унинг туман ҳамда туманлараро филиалларида 855 дон турли хил русумдаги қишлоқ хўжалиқ техникалари ва агрегатлар мавжуд. “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ томонидан тасдиқланган “2017-2020 йиллар давомида жамиятларнинг моддий техника базасини ривожлантириш Дастури”га асосан тўғридан-тўғри шартнома асосида 288 та штангелли пуракагич ва 86 та “ОВХ-600” пуракагич лизинг асосида сотиб олинган. Жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида мавжуд автотранспорт ва қишлоқ хўжалиқ техникалари ҳамда қишлоқ хўжалиги агрегатлари ёрдамида фермер хўжалиқларига 305,9 миллион сўмлик хизматлар

кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 9 декабрь кунги Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида боғлар ва тоқзорларга ишлов берадиган, сабзавот ва картошка уруғларини экадиган ва йиғиштириб оладиган техникалар мавжуд эмас. Фермер, деҳқон хўжалиқларига ёқилги-мўйлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик сулати бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган”, дея фаолиятимизга нисбатан танқидий фикр билдирилган эди. Шундай экан, Юртбошимизнинг бу фикрлари бизни янада масъулият билан ишлашга, изланишга ундайверади.

**Каромат МАМАТОВА,**  
Фарғона вилоят “Агрокимёҳимоя”  
ҳудудий акциядорлик жамияти  
раиси ўринбосари

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ

### “АГРОКИМЁҲИМОЯ”

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, шу жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини 9 май — Хошра ва Қадрлаш кунини ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Албатта, халқимиз Ватан озодлиги йўлида фидоийларча жанг қилган ўз фарзандларини асло унутмайди.

Тилагимиз — бузун юртимизда ҳукм сурётган тинчлик-осойишталик ҳамisha барқарор бўлсин! Ўлимиз дастурхонидан тўқин-сочилик аримасин.



Муқимжон ҚОДИРОВ  
олган суратлар.

РЕКЛАМАЛАР

## “АГРОБАНК”ДАН ҲУНАРМАНДЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР!

*“Ҳунарманд” уюшмасининг аъзосимисиз?  
Унда зарур мини-технология, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмларни харид қилиш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланинг!*

**Кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробари миқдоридан 2 йил муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан ажратилади.**

- Асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар хариди учун — 7 фоз.
- Айланма маблағларни тўлдириш учун — 14 фоз.

**Азиз ҳунармандлар фаолиятингизни AGROBANK билан ривожлантиринг!**

www.agrobank.uz

AgrobankChannel | Agrobank Mobile | т.а. (+99871) 203 88 88

Agrobankuzbekistan | App Store | Google Play | Хизматлар лицензияланган

## Хурматли юртдошлар!

# “АСАКА”

акциядорлик тижорат банки

Жорий йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

## “MOBILE-UZ”

Мазкур омонат “ASAKA MOBILE” мобил иловаси орқали расмийлаштирилади.

- Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмасдан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқаришингиз мумкин.
- Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади.
- Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоз (йиллик).

*Шу билан биргалликда, “Асака” банк миллий ва хорижий валюталарда 30 дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.*

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**  
“Асака” банк Бош офиси (0371) 120-39-81, 120-39-60.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Оптиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.**

**“Асака” банк — сармоянғизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz | Хизматлар лицензияланган эди.